

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

САПАРОВ АБДИРАХМАН ДАНАБАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН СУВ ОМБОРЛАРИ КОЛОВРАТКАЛАРИ (ROTIFERA)
(ФАУНАСИ, ЭКОЛОГИЯСИ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ)**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Сапаров Абдирахман Данабаевич

Ўзбекистон сув омборлари Коловраткалари (Rotifera) (фаунаси,
экологияси ва амалий аҳамияти) 3

Сапаров Абдирахман Данабаевич

Коловратки (Rotifera) водоемов Узбекистана (фауна, экология и
практическое значение) 21

Saparov Abdirahman Danabaevich

Rotifera of water bodies of Uzbekistan (fauna, ecology and practical value) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

САПАРОВ АБДИРАХМАН ДАНАБАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН СУВ ОМБОРЛАРИ КОЛОВРАТКАЛАРИ (ROTIFERA)
(ФАУНАСИ, ЭКОЛОГИЯСИ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ)**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.DSc/B97 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.zoology.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий консультант: **Мирабдуллаев Искандар Мирбатирович**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Камилов Бахтиёр Ганиевич**
биология фанлари доктори, профессор

Иззатуллаев Зувайд
биология фанлари доктори, профессор

Дадаев Сайдулло
биология фанлари доктори, профессор

Ётакчи ташкилот: **Ўзбекистон Миллий Университети**

Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» сентябрь куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 2326–уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289–04–65, факс (+99871) 289–10–60, e-mail: zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (40-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 2326–уй, Тел.: (+99871) 289–04–65.

Диссертация автореферати 2021 йил «27» август куни тарқатилди.

(2021 йил «27» августдаги №11 рақамли реестр баённомаси).



Д.А. Азимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор, академик

Г.С. Мирзаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

А.Э.Кучбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш комиссиясидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида антропоген омилларнинг авж олиши ва саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши сув экотизимларининг муҳим биоиндикатори ҳисобланган коловратка (*Rotifera*) ларнинг ҳолатига ҳам таъсир этмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда сув захираларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида сув ҳавзалари зоопланктон организмларининг биохилма-хилигини камайиб кетишига олиб келмоқда. Шунга кўра, сув ҳавзаларида тарқалган коловраткалар тур таркибини аниқлаш, улар популяцияларига таъсир этаётган омилларни белгилаш ва истиқболли турларини кўпайтириш чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда балиқчилик тармоғини ривожлантиришда гидробионтларнинг асосий қисмини ташкил этувчи сув ҳавзалари зоопланктон организмларини инвентаризациялаш, уларнинг иқтисодий аҳамиятга эга бўлган турларини аниқлашга ва ишлаб чиқаришда жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, турли континентлар сув ҳавзалари фаунасининг ҳолати аниқланди, уларнинг табиий-географик тарқалиши ва сув ҳавзалари хусусиятларига боғлиқ тақсимланиши баҳоланди, сув ҳавзаларидаги зоопланктон организмларнинг таксономик ўзгаришлари кузатилиб, мавжуд турларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Сўнгги йилларда сув ҳавзаларининг қисқариши ва ифлосланиши коловратка биотопларининг ва турларининг йўқолишига сабаб бўлмоқда. Шунга кўра, сув омборлари коловраткалари фаунасини рўйхатини тузиш; коловраткаларни сув ҳавзалари ва биотоплар бўйича тақсимланишини очиб бериш, коловраткаларнинг мавсумий ривожланиш динамикасини аниқлаш; коловраткалардан балиқчилик тармоқларида мақсадли фойдаланиш чораларини ишлаб чиқиш устувор вазифа бўлиб, ушбу йўналишда илмий изланишларни олиб боришни талаб этади.

Республикамызда сув ҳавзалари фаунасини тадқиқ этишга, биоресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада жумладан, сув ҳавзаларининг антропоген ифлосланиш манбалари ва кўлами аниқланди, сув омборлари ресурсларидан фойдаланиш йўллари тартибга солинди, артемия цисталарини креветка қисқичбақасини ва қимматбаҳо балиқ турларини етиштиришда бошланғич озиқа сифатида қўллаш усуллари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «... атроф-муҳитга зарар етказувчи экологик муаммоларнинг олдини олиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон сув омборлари коловраткалари таксономик тузилишини аниқлаш, миқдорий ривожланиш ва мавсумий ўзгаришлар қонуниятларини очиб бериш, коловраткаларни сув ҳавзалари ва турли биотоплар бўйича тақсимланишини асослаш, коловраткалардан балиқчилик хўжаликларида мақсадли фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон «2017-2021 йилларда Орол денгизи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 719-сон «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларини озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги ПҚ-3657-сон «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Дунё миқёсида турли типдаги сув ҳавзалари коловраткаларининг биохилма-хиллиги, экологик мониторинг тадқиқотлари ҳамда иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли коловратка турларини оммавий кўпайтиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Россия Фанлар академияси Сибир бўлимининг Лимнология институти, Россия Фанлар академиясининг Зоология институти, Россия Фанлар академиясининг Ички сувлар биологияси институти, Украина Миллий Фанлар академиясининг гидробиология институти, Москва давлат университети, Қозоғистон Миллий Фанлар академияси Зоология институти, Қозоғистон балиқчилик илмий тадқиқот институти (Алматы), Беларусь балиқчилик илмий тадқиқот институти (Минск), Австрия Лимнологик институти, Limnological Institute (Austria), Research Institute of Fish Culture and Hydrobiology (Czech Rep.) да олиб борилмоқда.

Сув ҳавзалари зоопланктон организмларнинг систематикаси, морфологияси, экологияси ва хўжалик аҳамиятига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: сув омборлари зоопланктонлар фаунаси ва улар жамоаларидаги мавсумий ўзгариш жараёнлари аниқланган (University of Gent, Бельгия); иқтисодий аҳамиятга эга коловраткалар ҳисобига сув ҳавзалари маҳсулдорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқилган (University of Connecticut, АҚШ); сув

²Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, www.dissercat.com, researchget.com, <http://www.fundamental-research.ru>, www.webofscience.com ва бошқа илмий манбалар асосида таҳлил қилинган.

ҳавзаларида зоопланктон организмларни балиқчилик тармоғини ривожлантириш учун кўпайтириш йўллари такомиллаштирилган (Ички сувлар биологияси институти, Россия), мунозарали айрим зоопланктон организмларни молекуляр-генетик усулларда баркодинг штрих-кодлаш орқали тур даражасида аниқлик киритилган (Москва давлат университети, Россия), сув экотизимларда колавраткаларнинг миқдори ва биомассани ва улардан сув ҳавзалари унумдорлигини оширишда фойдаланиш услублари ишлаб чиқилган (Гидробиология институти, Украина).

Дунёда сув омборларида коловраткаларнинг биохилма-хиллигини аниқлаш ва сув ҳавзалари маҳсулдорлигини оширишда фойдаланиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: турли географик ҳудудларга мансуб сув ҳавзаларида минтақавий ва ҳудудий фаунанинг тур таркибини аниқлаш, морфологик ва таксономик таҳлил этиш ҳамда каталогини тузиш, коловраткалар популяциялари экологияси, сув ҳавзаларида коловраткалар миқдор зичлигини оширишга йўналтирилган илмий асосланган усулларни такомиллаштириш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг бир қатор сув омборлари зоопланктон организмлари фаунаси ва систематикаси кўплаб хориж олимлари, жумладан, G.Robert, U.Kahl (2002); J.A.Benzie (2006); A.A. Silva et al. (2009); J.M. Boberts (2009); Ch. Farwell (2014); Sinjae Yoo (2015); H.G. Dams (2016); M.Povlov (2016); A.E. Friederike (2016) лар томонидан олиб борилган.

Зоопланктон организмларининг асосий гуруҳини ташкил этувчи қисқичбақасимонлар ва коловраткалар систематикаси, уларнинг тарқалиши, маҳсулдорлиги, экологияси ҳамда сув омборлари гидрологияси ва гидрокимёси бўйича тадқиқотлар МДХ нинг йирик олимлари В.Р. Алексеева (1995); Н.М. Коровчинский (2004); Н.В. Карташева (2006); А.В. Крылов ва бошқ. (2009); Е.П. Романова (2009); Е.В. Преснова ва бошқ., (2010); Е.Г. Крупа (2010); А.Хайтов (2011); Ю.Ф. Громова ва А.Б.Примак (2015) кабиларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Марказий Осиё коловраткалари 100 йилдан ортиқ вақт давомида ўрганилиб келинган бўлсада, (Зернов, 1903) тадқиқотлар, одатда, алоҳида сув ҳавзаларидаги колавраткаларнинг фаунистик рўйхатларидан ва биомассаси тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотлар билан чекланган (Мухамедиев, 1967; Малиновская ва Тэн, 1983; ва бошқалар). Истисно тариқасида фақат Исиккўл кўлининг коловраткалари чуқур ўрганилган (Кутикова ва Фолиян, 1996).

Ўзбекистонда турли сув ҳавзаларида зоопланктон организмларнинг таксономияси, тарқалиши, экологик хусусиятлари, улардан сув ҳавзалари унумдорлигини оширишда фойдаланиш бўйича гидробиологик тадқиқотлар Э.А. Тошпўлатов (1975), А.М. Мухамедиев (1967, 1986), И.М. Мирабдуллаев (1990, 1992), Ҳ.Х. Абдиназаров (2018), А.Р. Кузметов (2019); А.К.Мусаев (2020) лар томонидан амалга оширилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг №ХШ-5 «Жанубий Орол минтақасидаги табиий ресурсларнинг

(тупрок, сув ва флора) ҳолатини ўрганиш» (2014-2019) илмий тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон сув омборлари коловраткалар фаунаси таксономик инвентаризация қилиш, экологиясининг ўзига хос хусусиятларини асослаш ҳамда сув экотизимида уларнинг аҳамиятини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон сув омборлари коловраткалари фаунасини рўйхатини тузиш;

Ўзбекистон сув омборлари коловраткалари фаунаси таксонларининг самарали аниқлагич калитини ишлаб чиқиш;

кам ўрганилган коловратка турларининг тузилиши ва ўзгарувчанлигини аниқлаш;

коловраткаларни сув ҳавзалари ва биотоплар турлари бўйича тақсимланишини асослаш;

коловраткаларнинг мавсумий ривожланиш динамикасини аниқлаш;

коловраткалардан балиқ ҳўжаликларида мақсадли фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон сув омборлари коловратка (Rotifera) лари фаунасининг турлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон сув омборлари коловраткалари фаунаси, таксономияси, тарқалиши, сифат ва миқдор кўрсаткичлари, динамикаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда зоологик усуллардан микроскопия, ўлчаш, эскиз (чизиш аппарати ёрдамида) ҳамда стандарт гидробиологик, гидрологик, статистик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон сув омборлари коловраткалари фаунасининг ҳолати таҳлил қилиниб, 159 турдан иборат замонавий тур таркиби аниқланган;

илк бор Марказий Осиё фаунаси учун коловраткаларнинг янги тўрт тури *Lecane pumila* (Rouselet, 1906), *Lecane sola* Hauer, 1936, *Phylodina cf. citrina* Ehrenberg 1832, *Scepanotrocha cf. rubra* Bryce, 1910 аниқланган;

коловратка (Rotifera) типи таксонларини мақбул равишда идентификация қилиш учун самарали аниқлагич-калити яратилган;

Lecane pumila, *Lecane sola*, *Phylodina cf. citrina*, *Scepanotrocha cf. rubra* коловратка турларининг тузилиши, ўзгарувчанлиги ва экологик хусусиятлари очиб берилган;

Ўзбекистон сув омборлари коловраткаларининг сув ҳавзалари ва биотоплар турлари бўйича тақсимланиши асосланган;

Ўзбекистон сув омборлари коловраткаларининг мавсумий ривожланиш хусусиятлари очиб берилган;

Орол денгизи минтақаси сув экотизимида коловраткаларнинг амалий аҳамияти баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сув ҳавзаларида сапробитни биоиндикациялашда коловраткалардан самарали фойдаланиш имконияти ишлаб чиқилган;

табiiй ва чиқинди сувларнинг ифлосланишини биотестлашда коловраткалардан фойдаланиш усуллари очиб берилган;

коловраткалардан балиқларнинг табiiй озикаси сифатида фойдаланиш истиқболлари аниқланган ва уларни балиқчилик тармоғини ривожлантиришда қўллаш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда классик ва замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, популяцион маълумотларни замонавий дастурлар (Biostat 2007) асосида статистик таҳлил қилинганлиги, амалий натижаларни ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон сув омборлари коловраткалари (Rotifera) типининг фаунаси инвентаризацияланганлиги, тип таксонларининг самарали аниқлагич калити яратилганлиги, ҳамда Ўзбекистон сув омборларидаги коловраткалар тарқалишининг қиёсий баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти коловраткалардан сув ҳавзаларининг сапробитини биоиндикация қилишда, табiiй ва чиқинди сувларнинг ифлосланишини аниқлашда, коловраткалардан балиқларнинг табiiй озикаси сифатида фойдаланиш ва балиқчилик хўжалиги маҳсулдорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон сув омборлари коловраткалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қорақалпоғистон сув экотизимида сувларнинг ифлосланишини биотестлашда коловраткалардан фойдаланиш юзасидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 19 ноябрдаги 02/18-1-2226-сон маълумотномаси). Натижада, табiiй ва чиқинди сувларнинг ифлосланишини олдини олиш имконини берган;

Балиқчилик сув омборларида коловраткалардан балиқларнинг табiiй озикаси сифатида фойдаланиш йўллари юзасидан ишлаб чиқилган услубий тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолияти амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 18 декабрдаги 01/027-2720-сон маълумотномаси). Натижада, балиқчилик хўжаликларида ҳовузлардаги балиқлар маҳсулдорлигини кўпайтириш ҳамда балиқ чавоқларини коловраткалар орқали озиклантириш эвазига уларнинг яшовчанлигини ошириш имконини берган;

Сув ҳавзаларида сапробитни биоиндикациялашда коловраткалардан самарали фойдаланиш юзасидан ишлаб чиқилган амалий-услубий тавсиялар

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 19 ноябрдаги 03/08-3-388а-сон маълумотномаси). Натижада, эвтрофикация учраган сув омборларида биомассаси камайиб кетаётган планктон организмларнинг сонини сақлаб қолиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 21 та республика илмий ва илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 75 та илмий иш нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан 11 та республика ва 6 та хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, 1 та монография ва 3 та ўқув қўлланма чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўрт боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Коловраткалар ўрганилишининг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида коловраткаларнинг тузилиши, кўпайиши ривожланиши, экологияси, коловраткаларнинг тарқалиши, яшаш тарзи, коловраткаларнинг амалий аҳамияти, таксономияси филогенияси борасида шу давргача олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари ва чоп қилинган адабиётлар таҳлили келтирилган. Шунингдек, бўлимда замонавий концепцияларга кўра, коловраткалар - бу Ротифера ҳайвонларининг мустақил тури ва улар *Acanthocephala* эндопаразитик юқори таксон билан биргаликда *Gnathifera* (*Micrognathozoa*, *Gnathostomulida* тегишли) таксономик жиҳатдан рейтингланмаган синфнинг *Chaethognata* (“синициал тери”, “бирлаштирилган тери”) супер типига бирлаштирилганлиги очиб борилган. Бирламчи (*Protostomia*) икки томонлама симметрик (*Bilateria*) кўп ҳужайрали ҳайвонлар (*Metazoa*) га мансублиги таҳлил қилинган.


Диссертациянинг **«Ўзбекистон сув омборлари коловраткалари фаунаси ва биологиясини ўрганиш услублари ва материаллари»** деб номланган иккинчи бобида қўлланилган гидробиологик ва зоологик усуллар баён этилган. Тадқиқотлар 2000-2020 йилларда давомида олиб борилган. Республикамиз вилоятлари сув ҳавзаларидан жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва

Хоразм вилоятининг турли хил сув ҳавзаларидан (Орол денгизи, кўллар, сув омборлари, дарёлар, каналлар, шоли далалари ва бошқалар) йиғилган тадқиқот материаллари асосида коллекциялар яратилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қарақалпақстан Бөлими Қарақалпақ тэбият илимлериниң илим изертлеу институти (КТИИИИ), Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро ва Фарғона университетлари мавжуд коллекция материаллари ва бир қатор ҳамкасблар томонидан тақдим этилган намуналар қайта ишланган. Тадқиқот давомида 616 та сифатли ва миқдорий намуналар қайта ишланди (1-жадвал, 1-расм).

1-жадвал

Тадқиқот материаллари йиғилган ҳудудлар

Худудлар	Намуналар сони	Йиллар
Кўллар	142	2000-2019
Орол денгизи	51	2000-2003
Сув омборлари	112	2003-2017
Балиқчилик ховузлари	82	2005-2020
Дарё ва каналлар	102	2005-2020
Шоли майдонлари	62	2012-2019
Бошқа сувлар (ховуз, сойлар ва бошқалар)	65	2005-2019
ЖАМИ:	616	2000-2020



1-расм. Намуналар йиғилган стационар сув ҳавзалари координаталарининг харита ёрдамида ифодаланиши (Google Earth).

Диссертациянинг учинчи боби “Ўзбекистон сув ҳавзалари коловраткалари (Rotifera) таксономик таҳлили”га бағишланган. Тадқиқот ишида коловраткаларнинг (Rotifera) таксономик тузилишини таҳлил қилишда чет эл олимларининг замонавий қарашлари (Segers, 2002; Jersabek, Leitner, 2020) ва Россиянинг етакчи тадқиқотчилари томонидан тан олинган Г.И. Маркевич (1990, 2005), Л.А.Кутикова ва бошқ. (2010) ларнинг ғояларига асосланган манбалардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда жами коловратканинг 159 тури қайд этилган бўлиб, улар Monogononta кенжа синфига таълуқли 5 туркум, 21 оила, 42 авлодига мансуб бўлиб, шундан Bdelloidea кенжа синфининг 2 та авлодига тегишли 2 та тур. Pararotatoria денгиз синфининг вакиллари Марказий Осиё фаунасида учрамайди (2, 3-жадвал).

Энг кўп ўрганилган ва кўплаб планктоник ротиферларга Flosculariidae, Hexarthridae, Polyarthridae, Filiniidae, Brachionidae, Eriphanidae, Synchaetidae, Trichocercidae, Asplanchnidae оилаларидан - 55 тур киради (2-жадвал). Бошқа оилаларга мансуб коловраткалар баъзан планктонларда учрайди.

Ўзбекистон ва унга қўшни ҳудудлар фаунаси коловраткаларини тур, авлод, оила даражасида таксономик идентификация қилиш учун мақбул аниқлагич жадваллари ва калитлари ишлаб чиқилди. Бир қатор турларнинг расми тавсифлари берилган.

2-жадвал

Ўзбекистон сув ҳавзаларининг коловраткалари фаунасининг таксономик таркиби

Таксонлар	Жаҳон фаунаси [Segers, 2002] бўйича	Ўзбекистон фаунаси
	Авлод/Турларнинг сони	Авлод/Турларнинг сони
ТИП: ROTIFERA Cuvier, 1817	129/1805	44/159
СИНФ: EUROTATORIA De Ridder, 1957	127/1802	44/159
КЕНЖА СИНФ: MONOGONONTA Plate, 1889	108/1428	42/157
БОШ: ТУРКУМ: GNESIOTROCHA Beauchamp, 1965	25/198	9/17
Туркум: Collothecaceae Haring, 1913	5/37	1/1
Оила: Collothecidae Haring, 1913	2/33	1/1
Оила: Atrochidae Haring, 1913	3/4	0/0
Туркум: Flosculariaceae Haring, 1913	20/161	8/16
Оила: Flosculariidae Ehrenberg, 1838	9/54	3/4
Оила: Testudinellidae Haring, 1913	3/44	2/6
Оила: Filiniidae Haring and Myers, 1926	3/15	2/3
Оила: Hexarthriidae Bartos, 1959	3/44	1/3
Оила Trochosphaeriidae Haring, 1913	2/4	0/0

2-жадвал давоми

БОШ	ТУРКУМ: PSEUDOTROCHA	83/1230	33/103
Kutikova, 1970			
Туркум: Transversiramida Markevich, 2005		31/522	20/96
Кенжа туркум: Eriphanina Markevich, 2005		10/240	3/36
Оила: Lecanidae Remane, 1933		1/170	1/34
Оила: Eriphanidae Haring, 1913		5/17	2/2
Оила: Proalidae Haring and Myers, 1924		4/53	0/0
Кенжа туркум: Brachionina Markevich, 2005		12/174	10/33
Оила: Euchlanidae Ehrenberg, 1838		5/21	4/10
Оила: Brachionidae Ehrenberg, 1838		7/153	6/23
Кенжа туркум Mytilinina Markevich, 2005		9/144	7/27
Оила: Mytilinidae Haring, 1913		2/17	2/6
Оила: Trichotriidae		3/19	2/7
Оила: Lepadellidae Haring, 1913		4/108	3/14
Отряд Saltiramida Markevich, 2005		3/15	2/6
Оила: Asplanchnidae Eckstein, 1883		3/15	2/6
Туркум: Saeptiramida Markevich, 2005		28/456	10/36
Кенжа туркум: Notommatina Markevich, 2005		20/385	5/26
Оила: Trichocercidae Haring, 1913		3/78	1/18
Оила: Notommatidae Hudson and Gosse, 1886		17/307	4/8
Кенжа туркум: Ploesomina Markevich, 2005		8/71	5/10
Оила: Gastropodidae Haring, 1913		2/12	2/2
Оила: Synchaetidae Hudson and Gosse, 1886		4/57	3/8
Оила: Microcodidae Hudson and Gosse, 1886		1/1	0/0
Оила: Birgeidae Haring and Myers, 1924		1/1	0/0
Туркум: Centroramida Markevich, 2005		1/14	0/0
Оила: Lindiidae Haring and Myers, 1924		1/14	0/0
Туркум: Antrorsiramida Markevich, 2005		20/223	1/1
Оила: Dicranophoridae Haring, 1913		18/216	1/1
Оила: Tetrasiphonidae Ehrenberg, 1840		1/1	0/0
Оила: Ituridae Sudzuki, 1964		1/6	0/0
Кенжа синф: BDELLOIDEA Hudson, 1884		19/374	2/2
Туркум: Philodinida		14/356	2/2
Оила: Philodinidae Ehrenberg, 1838		11/228	1/1
Оила: Habrotrochidae Bryce, 1910		3/128	1/1
Туркум: Philodinaida		3/4	0/0
Оила: Phylodinaida Haring, 1913		3/4	0/0
Туркум: Adinetida		2/14	0/0
Оила: Adinitidae Hudson et Gosse, 1889		2/14	0/0

Изоҳ: Ўзбекистон сув хавзаларида белгиланган таксонлар қалин ҳарфлар билан кўрсатилган.

Ўзбекистон ва қўшни хуудлардаги коловраткаларнинг таксономик таркиби

Таксонлар	Таксонларнинг давоми
Синф: EUROTATORIA DE RIDDER 1957	Оила: EUCHLANIDAE EHRENBERG, 1838
Кенжа синф: MONOGONONTA PLATE, 1889	<i>Beauchampiella eudactilota</i> (Gosse, 1886)
Кенжа туркум: GNESIOTROCHA BEAUCHAMP, 1965	<i>Tripleuchlanis plicata</i> (Levander, 1894)
Туркум: COLLOTHECACEAE HARRING, 1913	<i>Dipleuchlanis propatula</i> (Gosse, 1856)
Оила: COLLOTHECIDAE HARRING, 1913	<i>Euchlanis oropha</i> Gosse, 1887
<i>Collotheca mutabilis</i> (Hudson, 1885)	<i>E. incisa</i> Carlin, 1939
Туркум: FLOSCULARIACEAE HARRING, 1913	<i>E. triquetra</i> Ehrenberg, 1838
Оила: FLOSCULARIIDAE EHRENBERG, 1838	<i>E. dilatata</i> Ehrenberg, 1832
<i>Sinantherina socialis</i> (Linnaeus, 1758)	<i>E. lyra</i> Hudson, 1886
<i>Conochiloides natans</i> (Seligo, 1900)	<i>E. pyriformis</i> Gosse, 1851
<i>C. dossarius</i> (Hudson, 1885)	<i>E. deflexa</i> Gosse, 1851
<i>Conochilus unicornis</i> Rousselet, 1892	Кенжа туркум: MYTILININA MARKEVICH, 1990
Оила: TESTUDINELLIDAE HARRING, 1913	FAMILY TRICHOTRIIDAE HARRING, 1913
<i>Pompholyx complanata</i> Gosse, 1851	<i>Macrochaetus collinsi</i> (Gosse, 1967)
<i>P. sulcata</i> Hudson, 1885	<i>M. subquadratus</i> Perty, 1850
<i>Testudinella bidentata</i> (Ternetz, 1892)	<i>M. sericus</i> (Thorpe, 1893)
<i>T. elliptica</i> (Ehrenberg, 1834)	<i>M. altamirai</i> (Arevalo, 1918)
<i>T. patina</i> (Hermann, 1783)	<i>Trichotria tetractis</i> (Whitelegge, 1889)
<i>T. reflexa</i> (Gosse, 1897)	<i>T. pocillum</i> (O.F. Müller, 1776)
Оила: FILINIIDAE HARRING ET MYERS, 1926	<i>T. curta</i> (Skorikov, 1914)
<i>Tetramastix opoliensis</i> Zacharias, 1898	Оила: COLURELLIDAE WESENBERG-LUND, 1929
<i>Filinia longiseta</i> (Ehrenberg, 1834)	<i>Lepadella ehrenbergii</i> (Perti, 1850)
<i>F. passa</i> (O.F. Müller, 1786)	<i>L. apsida</i> Haring, 1916
Оила: HEXARTHRIIDAE BARTOS, 1959	<i>L. patella patella</i> (O.F. Müller, 1786)
<i>Hexarthra fennica</i> (Levander, 1892)	<i>L. ovalis</i> (O.F. Müller, 1786)
<i>H. mira</i> (Hudson, 1871)	<i>L. cristata</i> (Rousselet, 1893)
<i>H. oxyuris</i> (Zernov, 1903)	<i>L. triptera</i> Ehrenberg, 1830
Кенжа туркум: PSEUDOTROCHA KUTIKOVA, 1970	<i>L. patella oblonga</i> (Ehrenberg, 1834)
Туркум: TRANSVERSIRAMIDA MARKEVICH, 1990	<i>L. quadricarinata</i> (Stenroos, 1898)
Кенжа туркум: EIPHANINA MARKEVICH, 1990	<i>Colurella obtusa</i> (Gosse, 1896)
Оила: EIPHANIDAE HARRING, 1913	<i>C. uncinata</i> (O.F. Müller, 1776)

3-жадвал давоми

<i>Epiphanes brachionus</i> (Gosse, 1832)	<i>C. colurus</i> (Ehrenberg, 1830)
Оила: LECANIDAE REMANE, 1933	<i>C. adriatica</i> Ehrenberg, 1831
<i>Lecane leontina</i> (Turner, 1892)	<i>Squatinella mutica</i> (Ehrenberg, 1932)
<i>L. luna</i> (O.F. Müller, 1786)	Оила: MYTILINIDAE HARRING, 1913
<i>L. papuana</i> (Murray, 1913)	<i>Mytilina trigona</i> (Gosse, 1851)
<i>L. glypta</i> Haring et Myers, 1926	<i>M. mucronata</i> (O.F. Müller, 1773)
<i>L. flexilis</i> (Gosse, 1886)	<i>M. ventralis</i> (Ehrenberg, 1832)
<i>L. ungulata</i> (Gosse, 1887)	<i>Lophocharis salpina</i> (Ehrenberg, 1834)
<i>L. curvicornis</i> (Murray, 1913)	<i>L. kutikovae</i> Mirabdullaev, 1992
<i>L. arcula</i> Haring, 1914	<i>L. turanica</i> Mirabdullaev, 1992
<i>L. crepida</i> Haring, 1914	Туркум: SALTIRAMIDA MARKEVICH, 1990
<i>L. hastata</i> (Murray, 1913)	Оила: ASPLANCHNIDAE ECKSTEIN, 1883
<i>L. mira</i> (Murray, 1913)	<i>Asplanchna brihthwelli</i> Gosse, 1850
<i>L. stichaea</i> Haring, 1913	<i>A. girodi</i> Guerne, 1888
<i>L. candida</i> Haring et Myers, 1926	<i>Asplanchna herricki</i> Guerne, 1888
<i>L. grandis</i> (Murray, 1913)	<i>Asplanchna priodonta</i> Gosse, 1850
<i>L. tenuiseta</i> Haring, 1914	<i>Asplanchna sieboldi</i> (Leydig, 1854)
<i>L. clara</i> (Bryce, 1992)	<i>Asplanchnopus multiceps</i> (Schrank, 1793)
<i>L. levistyla</i> (Olofsson, 1917)	Туркум: SAEPTIRAMIDA MARKEVICH, 1990
<i>L. signifera</i> (Jennings, 1996)	Кенжа туркум: PLOESOMINA MARKEVICH, 1990
<i>L. ludwigii</i> (Eckstein, 1883)	Оила: GASTROPODIDAE HARRING, 1913
<i>L. nana</i> (Murray, 1913)	<i>Gastropus stylifer</i> Imhof, 1891
<i>L. venusta</i> Haring et Myers, 1926	<i>Ascomorpha ovalis</i> Carlin 1943
<i>L. inopinata</i> Haring et Myers, 1926	<i>Synchaeta pectinata</i> Ehrenberg, 1832
<i>L. closterocerca</i> (Schmarda, 1859)	<i>Synchaeta kitina</i> Rousselet, 1902
<i>L. hamata</i> (Stokes, 1896)	<i>Synchaeta tremula</i> (O.F. Müller, 1786)
<i>L. lamellata</i> (Daday, 1893)	<i>Ploesoma hudsoni</i> (Imhof, 1891)
<i>L. decipiens</i> (Murray, 1912)	<i>Polyarthra vulgaris</i> Carlin, 1943
<i>L. furcata</i> (Murray, 1913)	<i>P. euryptera</i> Wierzejski, 1891
<i>L. quadridentata</i> (Ehrenberg, 1932)	<i>P. minor</i> Voight, 1904
<i>L. obtusa</i> (Murray, 1913)	<i>P. remata</i> Skorikov, 1896
<i>L. stenroosi</i> (Meissner, 1908)	Оила: DICRANOPHORIDAE HARRING, 1913
<i>L. lunaris</i> Ehrenberg, 1832	<i>Dicranophorus forcipatus</i> (O.F. Muller, 1786)
<i>L. thalera</i> (Haring et Myers, 1926)	Кенжа оила: NOTOMMATINA MARKEVICH, 1990
<i>L. cornuta</i> (O.F. Müller, 1786)	Оила: NOTOMMATIDAE (HUDSON ET GOSSE, 1886)
<i>L. bulla</i> (Gosse, 1832)	<i>Cephalodella gibba</i> (Ehrenberg, 1832)
Оила: PROALIDAE	<i>Cephalodella hoodi</i> (Gosse, 1886)

3-жадвал давоми


<i>Proalides tentaculatus</i> Beauch., 1907	<i>C. auriculata</i> (O.F. Müller, 1773)
Кенжа туркум: BRACHIONINA	<i>C. catellina</i> (O.F. Müller, 1786)
Оила: BRACHIONIDAE EHRENBERG, 1838	<i>C. forficula</i> (Ehrenberg, 1831)
<i>Platyias quadricornis</i> (Ehrenberg, 1832)	<i>Monommata longiseta</i> (O.F. Müller, 1786)
<i>Plationus patulus</i> (O.F. Müller, 1786)	<i>Scaridium longicaudum</i> (O.F. Müller, 1786)
<i>P. polyacanthus</i> (Ehrenberg, 1832)	Оила: EOSPHAERIDAE MARKEVICH, 1990
<i>Brachionus bennini</i> Leissling, 1924	<i>Eosphora ehrenbergi</i> Weber, 1918
<i>B. quadridentatus</i> Hermann, 1783	Оила: TRICHOCERCIDAE HARIING, 1913
<i>B. leydigii</i> Cohn, 1862	<i>Trichocerca brachyura</i> (Gosse, 1851)
<i>B. rubens</i> Ehrenberg, 1838	<i>T. sejunctipes</i> (Gosse, 1886)
<i>B. urceolaris</i> (O.F. Müller, 1773)	<i>T. helminthoides</i> (Gosse, 1886)
<i>B. plicatilis</i> O.F. Müller, 1786	<i>T. tigris</i> (O.F. Müller, 1786)
<i>B. falcatus</i> Zacharias, 1898	<i>T. weberi</i> (Jenings, 1903)
<i>B. bidentata</i> Anderson, 1889	<i>T. bidens</i> (Lucks, 1912)
<i>B. angularis</i> Gosse, 1851	<i>T. dixon-nuttalli</i> (Jenings, 1903)
<i>B. calyciflorus</i> Pallas, 1766	<i>T. porcellus</i> (Gosse, 1886)
<i>B. budapestinensis</i> Daday, 1885	<i>T. tenuior</i> (Gosse, 1886)
<i>Keratella cochlearis</i> (Gosse, 1851)	<i>T. similis</i> (Wierzejski, 1893)
<i>K. procurva</i> (Thorpe, 1881)	<i>T. bicristata</i> (Gosse, 1887)
<i>K. tropica</i> (Apstein, 1907)	<i>T. rattus carinata</i> (Ehrenberg, 1830)
<i>K. quadrata</i> (O.F. Müller, 1786)	<i>T. pusilla</i> (Lauterborn, 1898)
<i>Keratella valga</i> (Ehrenberg, 1834)	<i>T. capucina</i> (Wierz. et Zachar., 1893)
<i>Anuraeopsis fissa</i> (Gosse, 1851)	<i>T. lophoessa</i> (Gosse, 1886)
<i>Notholca acuminata</i> (Ehrenberg, 1832)	<i>T. rattus rattus</i> (O.F. Müller, 1786)
<i>N. squamula</i> (O.F. Müller, 1786)	<i>T. cylindrica</i> (Imhof, 1891)
	<i>T. stylata</i> (Gosse, 1851)

Шундай қилиб, Ўзбекистон коловраткалари (Rotifera) фаунаси турлар даражасида дунё фаунасининг 8,8 фоизини ва авлодлар даражасида 34,1 фоизини ташкил этади. Ўзбекистон ҳайвонот дунёсидаги коловраткаларнинг ҳақиқий хилма-хиллиги сезиларли даражада юқори бўлиши керак, чунки:


- қобиксиз ўсган ва бентик шакллар жуда кам ўрганилган;
- шубҳасиз, маълум бўлган ротифер турларининг аксарияти сирли (яширин) турларнинг комплекслари.

Оиладан юқоридаги даражадаги таксонларни аниқлаш ва баъзи ҳолларда жинсини аниқлаш катта қийинчиликларга олиб келади, чунки бу айланма жағ аппаратларини батафсил ўрганишни талаб қилади, баъзи ҳолларда электрон сканерлаш микроскопи ёрдамида амалга оширилади.

Икки авлод (*Phylodina* Ehrenberg, 1830, *Scapanotrocha* Bryce, 1910) ва 4 тур (*Phylodina cf. citrina*, *Scapanotrocha cf. rubra*, *Lecana pumila* (Rouselet, 1906), *Lecana Sola* Hauer, 1936) Марказий Осиё фаунаси учун илк бор аниқланган (3 ва 4-расм). *Philodinidae* ва *Nabrotrochidae* оилалари ҳам минтақамиз учун янги.



3-расм. 1: *Lecane pyrnilla* (Rouselet, 1906), 2: *Lecane sola* Hauer, 1936



4-расм. 1 *Phylodina cf. citrina* 2, *Scepanotrocha cf. rubra*

Lophocharis Ehrenberg, 1834 ва *Keratella* Bory De St. Vincent, 1822, планктоник авлодлари Ўзбекистон сув ҳавзаларида кенг тарқалган бўлиб, таксономияси етарлича батафсил тадқиқ этилган (4-жадвал, 5-расм). *L.turanicus* эҳтимол *L.oxysternon* (Gosse, 1851) билан синонимдир. *Lophocharis kutikovae* Иссиққўлда учрайди (Кутикова, Фолиян, 1996).


4-жадвал

Ўзбекистон фаунаси *Keratella* авлоди турларини аниқлаш жадвали

	Белгилар	Турлар
1	Қалқоннинг дорсал пластинкаси узунасига ўрта тароқ билан ажратилган жуфт фасеткали; орқа томони 1 ўрта тиканли ёки тикансиз	<i>K. cochlearis</i>
-	Қалқоннинг дорсал пластинкаси узунасига қатор ўрта фасеткали; узунасига ўрта тароқ билан ажралмаган; орқа томони 1-2 ён тиканли	2
2	Қалқоннинг дорсал орқа томони ўрта тароқ билан ажратилган жуфт фасеткали;	<i>K. procurva</i>
-	Қалқоннинг дорсал орқа томони 1 ўрта фасеткали, 2 қовурға билан чекланган	3
3	Орқа дорсал пластинкасида узунасига одатда 4 олтибурчакли фасетка жойлашган; қалқоннинг орқа томони 1 ёки 2 бир хил узунликдаги тиканлар билан	4

4-жадвал давоми

-	Орқа дорсал пластинкасида узунасига 5 фасеткали; охириги фасетка кичик ва тўртбурчак; 1-2 тенг бўлмаган узунликдаги тиканлар билан	<i>K. tropica</i>
4	Дорсал пластинканинг постериор ярмида узунасига ён томонларида 3 ва 4 фасеткаларнинг яқинида 5-бурчакли ёпиқ фасеткалар жойлашган. Орқа тиканларининг узунлиги тенг ёки йўқ	<i>K. testudo</i>
-	Дорсал пластинканинг постериор ярмида узунасига ён томонларида 3 ва 4 фасеткаларнинг яқинида 5-бурчакли ёпиқ фасеткалар жойлашмаган	5
5	Қалқон деярли квадрат, ён томондан, одатда текис	<i>K. quadrata</i>
-	Қалқон узун-тўртбурчакли бўлиб, одатда ён томондан шишади	<i>K. valga</i>



5-расм. *Keratella* spp. a, b: *K. cochlearis*; c, d: *K. procurva*; e: *K. valga*; f: *K. tropica*; g: *K. quadrata*

Диссертациянинг «Ўзбекистон сув ҳавзалари экотизимидаги коловраткалари» деб номланган тўртинчи бобида Орол денгизи, 4 та ботқоқли Судочье кўллари ва балиқ ҳавзалари коловраткаларининг сифат таркиби ва микдорий ривожланиш динамикаси баён этилган.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистонда балиқ сув ҳавзалари планктонида ротиферларнинг 55 тури топилган; Кладосераларнинг 37 тури, копеподларнинг 24 тури қайд қилинган. Умуман олганда, ўрганилаётган балиқ хўжалиklarининг коловраткаларининг тур таркиби бири-бирига жуда ўхшашлиги тавсифланган. Оммавий турлари бир хил. Энг кенг тарқалган турлари қуйидагилардан иборат: *Bdelloidea gen. sp.*, *B. plicatilis plicatilis*, *B. plicatilis rotundiformis*, *B. quadridentatus*, *Euchlanis dilatata*, *Hexarthra oxyuris*, *Keratella quadrata*, *K. valga*, *Notholca acuminata*, *Synchaeta sp.*, *T. patina* (5-жадвал).

5-жадвал

Судочье ветландининг планктон ротифералари турларининг таркиби

№	Кўллар	Бегдулла ойдин			Катта Судочье			Каратерен			Акушпа		
	Йиллар	2000	2001	2002	2000	2001	2002	2000	2001	2002	2000	2001	2002
1	<i>Asplanchna sieboldi</i>	-	-	-	+	-	-	-	-	-	-	-	-
2	<i>Bdelloidea gen. sp.</i>	+	-	+	-	-	+	-	+	+	-	-	-
3	<i>Brachionus angularis</i>	+	-	+	+	-	+	+	-	-	-	-	-
4	<i>B. calyciflorus</i>	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
5	<i>B. plicatilis plicatilis</i>	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
6	<i>B. plicatilis rotundiformis</i>	+	-	+	+	-	+	-	-	+	+	-	-
7	<i>B. quadridentatus</i>	+	+	+	-	-	+	+	+	+	-	+	+
8	<i>B. rubens</i>	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
9	<i>B. urceolaris</i>	+	-	+	-	-	+	+	-	-	-	-	-
10	<i>Cephalodella sp.</i>	-	-	-	-	-	-	+	-	-	-	-	-
11	<i>Colurella obtusa</i>	+	-	-	-	-	-	+	-	-	-	-	-
12	<i>Euchlanis dilatata</i>	+	-	+	-	-	+	+	-	+	-	-	-
13	<i>E. incisa</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	+	-	-	-
14	<i>Filinia longiseta</i>	+	-	-	+	-	+	-	-	-	-	-	-
15	<i>Hexarthra oxyuris</i>	+	-	+	+	-	+	+	-	+	+	+	+
